

Ўзбекистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 27 сентябр Шанба. № 75 (14467)

ЭТИРОФ

Ўзбекистон демократик тамойилларга оғишмай амал қилган ҳолда, умумий барқарорлик, яъни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий барқарорликка эришяптир. Шу жиҳатдан мамлакатингизнинг Марказий Осиёдаги етакчи ролини алоҳида таъкидлашни истардим.

Аҳмад Файзи ИНЖОИЗ,
Туркия парламенти аъзоси.

Миллий кадрлар — миллий фахри

"РАҲМАТ, СИЗГА!"

Халқимизда "Устоз -- отангдан улуг" деган ҳикмат бор. Бу бежиз айтилмаган албатта. Боиси ўқитувчи меҳнатидан машаққатлироғи ҳам бўлмаса керак. 1 октябрнинг ўқитувчилар ва мураббийлар кунини деб эълон қилинишни халқимиз катта шоду хуррамлик билан кутиб олди.

Отахон театримиз -- Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри биноси бутун ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Сабаби, бу ерда Тошкент кимё-технология институти ўқитувчилари ва I-курс талабалари учун "Талабаларга бағишлов" кечаси ўтказилмоқда. Профессор-ўқитувчилару талабаларнинг чехрасидаги кўлги-табасум, шоду хуррамликнинг чеки йўқ. Айниқса, ота-оналар қувончини айтмайсизми? Турфа алвон гуллар эса тантаналарга ўзгача фойз киритмоқда. Тадбир иштирокчиларнинг қувончига шерик бўлиш мақсадида уларнинг сўзларини ёзиб олишга ҳаракат қилдик:

Нусрат ПАРПИЕВ, мазкур институт ректори, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, кимё фанлари доктори:

-- Республикаимиз Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг 9-сессиясида сўзлаган нутқларида "Таълим ҳақида"ги қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг асл мазмун ва моҳиятини тўлақонли очиб берган. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда муайян вазифа ва йўналишларни белгилаб олдик. Ўзингизга яхши маълум, келажак буюк давлатни малакали мутахассисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз талабалар шунчаки кимёгарлар эмас, балки эли, юрти учун қайғурдиган, фидойи инсонлар бўлиб етишишлари учун интилоқдамиз. Етук кадрлар тайёрлаш бўйича институтимиз юқори поғонада туради. Чунки юртимизда кимё санъати кенг ривожланган. Хабарингиз бор, Бухорода нефтини қайта ишлаш заводи ишга тушди. Яна шундай гигант қурилиш ишоотларидан Қўнғиротда сода ишлаб чиқариш корхонаси бунёд бўляпти. Уларга малакали мутахассислар зарур. Қолаверса, 3 та спирт заводи қурилади, қоғоз-целлюлоза корхонаси қад ростляпти. Шунинг учун ҳам биз бу йил ўтган йилга нисбатан икки баробар ортиқ, яъни 364 нафар талаба қабул қилдик. Айтишга арзиғулик янгиликлар бисёр. Бу йил атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Абу Райҳон

Беруний номидаги давлат стипендияси. Президентимиз стипендиясидан ташқари академик Содиқов, Рустамов, Набиев каби ўзимизда меҳнат қилган фанимиз заҳматқашлари номида ҳам стипендиялар мавжуд. Чет тилини яхши биладиган йиғиқчилар охири курсларни хорижда ўқидилар. Бу ҳам ўзига хос янгилик. Чет эллардан талабаларга дарс бериш учун ўқитувчилар таклиф этиш саъй-ҳаракатидаммиз. "Умид" жамғармаси танловларида бизнинг талабаларимиз ҳам иштирок этишгани қувончли ҳолдир. Ўзбек тилида талайгина дарсликлар яратилган. Бир сўз билан айтганда институтда болаларимиз учун барча шароитлар мавжуд.

Ашрафжон ЭМИНОВ, институт ректорининг биринчи муовини:

-- Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад талабаларнинг маънавий-тарбияси янада такомиллаштириш, миллий қадриятларимизни, бой меросимизни эъзолашни уларга ўргатишдан иборат. Қолаверса, тадбиримиз жаҳон талаблари даражасидаги юқори малакали, ҳар томонлама етук ва барқарор авлодни воғна етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Мақсуд ОСТОНОВ, I-курс талабаси:


-- Мен 216 балл тўплаб, талабаларга қабул қилиндим. Ҳозирги кунда Ўзбекистонга иқтисодчилар, муҳандислар, технологлар, менежерлар жуда зарур. Ҳурматли Президентимиз маориф соҳасига кучли эътибор қаратаётганлари устозларимиз билан бир қаторда бизларни ҳам жуда қувонтиради. Ажаб эмас, яқин орада Япония, Корея мўъжизаси каби Ўзбекистон мўъжизаси ҳам вужудга келиши мумкин. Чунки олти йилда амалга оширилган оламшумул ўзгаришлар бунга тўла асос бўла олади. Ўз навбатида бизнинг ҳам она Ўзбекистон равнақи йўлида астойдил илм олиб, меҳнат қилиш аҳдимиз бор.

Ирина ГРИШИНА, I-курс талабаси:

-- Биласизми, ёшларнинг олий маълумот олиш имконияти ҳамма давлатларда ҳам мавжуд эмас. Ҳозир ёшларнинг республикаимизда ўқиш, юқори малакали касб эгаси бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар етарли. Энг асосийси -- юртимиз тинч, осойишта!

Зал узра Ватанимиз гимни янграйди. Тест синовларида энг юқори балл тўплаган талабалар саҳнага Ўзбекистон Республикаси байроғини кўтариб чиқиб, муаллимларига дил изорини айтишмоқда. Эртанги кунимиз бугундан ҳам нурафшон бўлишига шубҳа йўқ!

Назозат УСМОНОВА



Меҳнатободлик ўқувчилар сеvimли ўқитувчилари билан табиат қўйнида.

Иқтидорлилар — юрт бахти

БИЗНИ ВАТАН КУТАДИ

"Азимова Диляра!.. Табриклаймиз! Сиз TOEFL дастури асосидаги тестлар бўйича ўтказилган танловда юқори балл тўплаб, голиб чиқдингиз. Янги ўқув йилдан АҚШнинг нуфузли МЕН университетида уч йил ўқиш ҳуқуқини қўлга киритдингиз!"

Ҳайрат аъзоларининг бу гаплари худди тушимда рўй бераётгандай туюлди. Шодликдан юрагим таре ёрилай дейди. Учир юргандай ҳис қилдим ўзимни. Қандай бахтлиман! Қишлоқда ота-онам ҳали бу янгиликдан хабардор ҳам эмаслар. Яқинларим, синфдошларим эшитса роса хурсанд бўлишди. Шу топда Тошкентга, институтга кираман деб овланётганимда баъзи танишларимнинг ўқишга кириш осон эканми, қолаверса, ҳиз бола нарса ўқиш нимами қотирардинг, қабилдаги қарашларини эсладим.

Ешилгимдан инсон астойдил ҳаракат қилса ўз мақсадида эришишига ишонардим. Урта мактабни тугатиб, Эски шаҳардаги инглиз тили бўйича уч ойлик курсга ўқишга кирдим. Кимдир зўр шароитга эга, имкони хатто минглаб пул сарфлаб ўқиш мумкин бўлган пуллик курс ёки институтларга етади, лекин имкониятдан тўлиқ фойдаланмайди. Ҳафсалалари етмайди, эринишадими, ёки хизмат билан бўлиб шароит топишолмайди, худлас, ўқимайди. Бунисиям майли, ҳужжат топшириш учун орқаларидан ота-оналари олиб-югуриб юрган йиғиқ-қизларга ҳайрон қоламан. Яна таниш-билиш дегувчилари ҳам бор.

Меҳнатим зое кетмади. Ўша йили Тошкент Давлат Жаҳон тиллар университетига кириш учун қабул имтиҳонларини муваффақият билан топширдим. Омад менга кулиб боқди — мени



улар соҳани ўрганишимда ўз меҳнатларини ва беимннат ёрдамларини аямидилар.

Ростини айтсам юрагимда озгина гулгула ҳам йўқ эмас. Уларда таълим тизими, баҳолаш бутунлай бошқача. Ундан ташқари океан ортидаги жаҳондаги энг ривожланган ва сара мамлакатлар қаторига кирадиган давлатларнинг нуфузли университетлари билан оламан. Мен борадиган гўша — МЕН штати табиатининг гўзаллиги, пуриқор тоғ тизмалари ва кўм-кўк ўрмонлари билан ажралиб тураркан.

Ўзим Жиззах вилоятининг тоғли сулими Зомин туманида таваллуд топиб, ўсиб-ўлайганим учун борадиган ерим менга жуда маъқул келмоқда. Атлантика океани билан четарадош бу штат мамлакатда балиқчиликда карвонбошлик қиларкан. Мен ўқийдиган даргоҳ ҳам штат номи билан юртилади — МЕН университети дейилади. Ҳозирча билганларим шулар. У ерда ўзим севиб ўқийдиган "Туркистон" газетаси муштарийларини АҚШдаги ҳаётим билан таништириб боришга ҳаракат қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб мен "Умид" жамғармасини ташкил этишда шахсан фидойилик қилган Президентимизга, менга шунча ишонч ҳиссини юклаган халқимга миннатдорчилик туғиларимни — изҳор қилмоқчиман.

Ҳаёлимда сеvimли шорним Рафур Гуломнинг "Алло мамлакатнинг аъло фарзанди, билиб қўйки сени Ватан кутади" деган сатрлари чарч уряпти. Насиб этса менга берилган бор имкониятни ишга солиб, халқимга фойдаси тегадиган етук мутахассис бўлиб қайтишга ҳамма кучимни сарфлайман.

Суннат АЗЛАРОВ ёзиб олди

Самолётнинг парвозига бир неча дақиқа қолди. Минг хаёл-у, ширин орзуларнинг кучли тўқнашлари калбларимизда жумбуш урмоқда. Тайёрағоҳни Ўзбекистон -- уйимизнинг оstonаси деб фарз қилсак, эндигина "Ватан остонадан бошланади" де-

дўстлар, маҳалла аҳли, халқимиз экан! Бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда биз ёшларга меҳнат тақсимида -- ўқиш, илму фан чўққиларини забт этиш вази-фаси юклатилган. Ким қайси соҳада бўлмасин ўз вазифасини холисона, астойдил бажариши керак. Юртбошимиз Ислам Каримов: "Биз ўз истеъодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиш

хариталарини кўриш, буюк математик мутафаккирларнинг қўлёзма, ноёб қўлёзма асарларини ўқиш бахтига мушарраф бўлидик. Устозларимизга доимо таъзим қиламиз ва сизат-саломатлик тилаймиз. Қўлга киритган ютугимиз -- Мустақиллик нишонаси, бу бахт, бу -- бурч, бу -- масъулиятли вазифа, меҳнатдир... Азиз, меҳрибон онажонлар! Парвоз қилишга руҳсат берилди! Сўзингиздан чиқмасдан, ўзлгимизни йўқотмасдан, ўзбек элини барчага билдириб, юзингизни ёруғ қилиб

САФАР

ОЛДИДАН

МАКТУБ...

ган ҳикматни тушуниб аяллик. Биз олис юр-тларга ўқишга кетаётган эканмиз, Она дёиримизни нақадар сеvimимизни энди астойдил ҳис қилдик. Ватан -- бу фақатгина киндик қонимиз томган жой бўлиб қолмайин -- балки меҳр-оқибат, асрий тарих ва ҳаётимизнинг баҳорий лаҳзалари, миллий қадриятларимиз ва гурур туйғулари билан сугорилган денгизларимиз, истиқбол сари қуёш нурига интилаётган келажимиз, бизга яқин бўлган ота-оналаримиз, қавму-қариндошимиз,

учун қанот беришимиз керак!" деган сўзларини амалий иш билан тасдиқлаб, "Умид" номи Президент Жамғармасини ташкил этишга бош-қош бўлган-ликлар бунинг исботидир. Биз эса ушбу Жамғарманнинг илк қалдирғочларимиз. Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари Университетлари, музейларида, кутубхоналарида асрлаб сақланиб келаятган Мирзо Улуғбек дастхатлари асосида тузилган Ян Гавелий астрономик

қайтиб келамиз! Дуоларингиз биз билан!

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси совриндорлари, Мирзо Улуғбек номи ТошДУ механика-математика факультети талабалари Даврон МАДИРИМОВ, Мурод ҲАМРОЕВ, Мухсим РАҲИМОВ

АНДИЖОНЛИКЛАР ЖАҲОН ТЕННИСЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

28 сентябрдан 4 октябрга қадар «Андижон» теннис мажмуида теннис бўйича «Буюк ипак йули» мусобақаси бўлиб ўтади. Унда 20 мамлакатдан келган катта ракетка усталари иштирок этади.

Бу халқро мусобақа олдида теннис кортларини жаҳоннинг етакчи теннисчилари урчушига тайёрлаш юзасидан катта иш қилинди, — дейди «Андижон» теннис мажмуининг директори Юсуф Қўчқоров. — Бундан ташқари меҳмонхоналар, маиший хизмат корхоналари яхши ҳолга келтирилди, кенг кўламли ва қизиқарли маданий дастур тузилди.

Кортларда спортчиларга хизмат қилиш учун 30 нафар болбос /тўпни олиб бериб турадиган болалар/ тайёрланди, юқори малакали мутахассислардан ҳамма ва таржимонлар тайинланди.

Вилот ҳокимлиги мусобақанинг шафелари билан биргаликда туризмнинг ҳар бир иштирокчиси учун эсдалик буюм ва совғалар тайёрлаб қўйди. «Буюк ипак йули» мусобақаси совринлари жамғармаси 25 минг долларни ташкил этади.

К.НИЗОМОВ, ЎзА муҳбири

Жиззах томонларда йўловчилар учун қулайлик

Яқинда Жиззах шаҳри меҳнатқашлари қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Ш. Рашидов кўчаси бўйлаб троллейбус қатнови йўлга қўйилди.

Ҳамид Олимжон номли маданият ва истироҳат боғида шу муносабат билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Жиззах вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев истиқлол шарофати билан вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қўллаб қувончли воқеалар содир бўлаётганини таъкидлади.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ

Жиззах шаҳрида "Ўздуробита" қўшма корхонасининг уяли телефон тармоғи ишга туширилганини қўриқ вилоят аҳолиси учун янги қулайлик бўлди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йилгида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Узоқов, "Ўзтелеком" маҳаллий Алоқа ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Т. Раҳимов ва америкалик тадбиркор Мейлсон жаноблари янги алоқа тармоғининг ишга туширилиши билан қизгин куталадилар ва тармоқнинг янги имкониятлари ҳақида гапириб беришди. Шу кун ийиғиланган алоқа маркази иши билан яқиндан танишидилар.

Турдубой СОЙНАЗАРОВ

МУҲАББАТНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Санкт-Петербург шаҳридан хушхабар келди: у ерда бўлиб ўтган ёғи биатлон бўйича Европа чемпионатида юртдошимиз - наманганлик Муҳаббат Қондақова олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Европа чемпионининг олтин медалиде «Ватанпарвар» мудофагага қўмақлашни ташкилоти вилоят бўлими ходимларининг ҳам хизмати катта. Чунки, Муҳаббат қўлга киритган галаба кўп жиҳатдан вилоятда биатлонни ривожлантиришга эътибор берилаётганининг натижасидир. Бир неча йилдан буён спортнинг мазкур тури бўйича вилоят ҳокимининг соврини учун мусобақалар ўтказилиб келинади.

Н.ХҲАЕВА, ЎзА муҳбири.

Ажаб дунё

МАЗЗА-МАЗЗА...

Ёзининг жазирама иссиғида баҳаво соҳилларда сайр қилишга салқин ўрмонларни кезиш, қайиқча сузиш, кечқурун эса гулхан атрофида ўтириб, осмонга қараб сокин хаёл суриш ва яхшигина қўшиқни ҳиргой қилишдан ҳузурлорқоқ нима бор?

Калифорниянинг Тахо-Сити районидаги ана шундай лагерда дам олиш бахти ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Чунки бу кўнгилочар манзил... итлар учун мўъжаланган.

Турт оёқли қадронлар учун бу ерда дискотека ҳам ўтказилиб туради. Уйқудан олдин эса улар узлари ҳақидаги қизиқарли эртакларни тинглайди. Қоринлари оёса, хоҳишларига қараб махсус идишларга солинган суяк, бисквит ва бошқа таомларни таъовул қилишни мумкин.

Турт оёқли дўстларининг ҳеч бўлмаса бир ҳафта «Сирра Маунтин Доги Кэмп» лагериде дам олишни истотаган калифорнияликлар ушбу антика маскан маъмурларига 1300-1500 доллар тўлайдилар холос...



Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами олдидан

ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМ

Мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармони билан республикамиз фуқароларидан бир гуруҳи юксак мукофот...

берилишига муносиб раҳбарлик қилган ва ўқитувчиларнинг ҳаётини яхшироқ қилишга ҳар қандай ҳаракатни қилган...



Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами олдидан ўқувчиларга мукофот тақдимоти бўлиб ўтди. Суратда: "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган Манзура Умаровна...

Аср оstonасида турибмиз. Ушунга бизнинг ундак кутубхона янгиликларимиз кўп. Ушунга янгиликларимиз боши шубҳасизки, таълим соҳасида бўлиши аниқ...

ми". Японияда "XXI аср таълимнинг моделини яратиш" дастури ишлаб чиқилган. Хозирги кунда АҚШда XXI асрнинг Вашингтон давлат мактаблари, Георг Сайдинг асосий мактаблари, Жеймс Комернинг ривожлантирувчи дастурлар мактаби, Генри Левиннинг тез ўргатувчи мактаблари, На...

Аммо бугун ёшларга яратилган мактабларнинг улар кайфиятини кўтармоқда. Тарбия борасидати энг долзарб муаммолардан бири болаларнинг муомала, юриш-туриш маданиятини яхшилашдир. Болалар орасида кечки, ички, наркотик моддалар истеъмол қилиш, жиноятчилик...

Келажак бугундан бошланади XXI АСР ВА ЎЗБЕК МАКТАБИ

бисконинг янги аср мактаблари, Сатурнинг келажак мактаблари каби унлаб лойиҳалар яратилди. Бизнинг "Миллий дастур" ҳам XXI асрга тайёргарлигимиз деса ҳам бўлади.

Маъна, домла, сиз анча йиллардан буён шу соҳада ишлаб келаясиз. Умумтаълим мактабларингиз ҳозирги аҳоли ва унинг муаммолари нималардан иборат?

болалар ҳиссиётга бой, ниҳоятда таъсирчан бўладилар. Синфдан қолган бола руҳиятига қаттиқ таъсир қилади, ўртоқлари орасида изза бўлиши тайин. Ўқувчиларнинг билим ва малакалари 10 балл тизимида баҳоланади керак. Бунинг қулай томони шундаки, ҳозир баҳолаш тизимида баъзан "3" баҳо камлик "4" баҳо қўйил қилади. 10 баллик баҳолаш тизимида эса ўқувчи икки-учта баҳолаш тизимида баҳолаш имкониятига эга. Бошланғич синфларда фақат ўқув хонасида дарс ўтиш доим ҳам ўз самарасини беравермайди. Ўқувчи бу пайтда ижодкор, тадбиркор бўлмоғи шарт.



Хусан МУЛЛАЖОНОВ Бобвут туман судининг раиси. Узи бш бўлса ҳам анчайин тажрибали ҳуқуқшунос. У вилоятда қонуналикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш бўйича салмоқли меҳнат қилиб келмоқда. Хусанжон мухбиримиз билан суҳбатда жиноятчиликка қарши курашда судларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти ҳақида куйдагиларни гапириб берди:

муносабатини билдириб, ҳукм чиқари. Аммо гап инсон маънавияти, виждони ҳақида борар экан мазкур сатрларни ўқийётган киши албатта мулоҳаза қилиб кўриши зарур. Усоннали минг сўм эвазига аввало ўз қавму қариндошлари, оиласини шарманда қилган бўлса, иккинчи томондан қонунбузарликка йўл қўйди. Оқибатда жазоланди. Киши бир ишга қўл ураётганда унинг тўғри ёки нотўғри иш эканлигини идрок этиши лозим. Ҳар қандай қонундан ташқари иш жиноят эканлигини фаҳмлаши зарур. Биласизки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда жиноятга ўрин йўқ.

ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯЧИСИ

Шунинг айтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини оширишга жиддий аҳамият берилар экан, қонунбузарлик ҳолатлари ҳам барҳам топиб бораверади. Маълумки, қонунларнинг бош вазифаси жамиятнинг бошқаришдир. Кишилар қонунни билишлари ва ҳурмат қилишлари зарур. Бунда судлар бош ҳуқуқий тарбиячи, адолат муаллими вазифасини бажармоқлари, лозим. Ҳар бир фуқарога қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушутириб бориш, инсон қандай яшашмоқдиги идрокини сингдириш ҳуқуқшуносларнинг бурчидир. Афсуски, ҳали кўпгина қишлоқ жойларда, қолаверса, шаҳарларда ёшларнинг ўртасида ҳуқуқий тарбия бора-бора етарлича иш олиб борилаётган. Натигада қонунсизлик, узағалар мулкнинг ўғирлаш сингари бир қатор жиноий ҳолатлар рўй бериб турибди. Бунга суд амалиётдан бир қанча мисоллар келтириб ўтиш мумкин.

риоя этмаслик, тузатиб бўлмас фожиаларга ҳам олиб келади. Бунга тумандаги 150-автокорхона ҳайдовчиси Тожибой Омонов тақдирда қуриш мумкин. Маълумки, кўча ҳаракати қоидалари беҳудага жорий этилмаган. Кимки автоуловни бошқариш жараёнида ё ичкилик ичса, ёки мавжуд қоидаларни қўриб қолган бўлган ҳолда бахтсиз ҳодисалар келтириб чиқарса албатта, жазоланади. Тожибой Омонов ҳам шундай жазого мустаҳқ бўлди. У Бобвут-Ширин автомобиль йўлидан катта тезликда кела туриб Ширин шаҳрига мотоциклда кириб келаятганларни уриб кетди. Натигада икки киши ҳалок бўлди. Транспорт вазиталари шикастланди. Агар Тожибой кўча ҳаракати қоидаларига риоя этганда фожа рўй бермас эди-ку.

ДОМЛАЖОНИМ АЙТГАНЛАРИ

Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Зоирхон Жалилов номли маҳалла оқсоқоллари кенгашининг раиси, Халқ маорифи аълоҳиси Зайилов НУРИДДИНОВГА Муҳтарам домла! Сизга мурожаат қилаётганимнинг боиси шундаки, Сиз узоқ йиллардан бери маорифимиз соҳасида самарали меҳнат қилиб келасиз. Кўплаб шоғирдларингиз юртимизнинг турли жаҳаларида ҳалол тер тўкиб, ишлаётганликларига ўзим гувоҳман. Шунинг ҳам биланманки, шоғирдларингизнинг кўпчилиги сиздан ҳали-ҳануз турли муаммоларни ечишда маслаҳатлар олиб туришади. Ва Сиз ҳаммаиша ўз ҳаётингиз тажрибаларингиз мисолида тўғри ва оқилона йўл-йўриқлар кўрсатасиз, яхши, элга нафи тегадиган ишларни қўлаб-қуватлайсиз. Илкони борича шоғирдларингизга жўяли маслаҳат бериб, ёрдамлаштишга ошқасиз. Ва бундан ўзингиз ҳам олам-олам завқу шавқ оласиз.

Кўп яхши ва ёмон кунларни кўрдик. Ҳабарингиз бор мана шу мактабнинг пойдеворида илк гишт қўйганлардан бириман. Ҳеч курса ўтган умрим зоо кетмаганлигини ўйлаб, оллоҳга шўкроналар айтаман. Энди сиз ўртага ташлаган масалага қайтайдик. Ўқувчи болаларига бор билимининг беради-да, ўзи яна шу мактабга қолаверади. Чунки унинг вазифаси ўз ўқувчиларига замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай кучли билимга эга бўлиши зарур. Юртбошимиз "Чиннакам халқ бўлса, улкан, қудратли дарёга айланайлик фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган овоз ва обод Ватан қолдирайлик!" дея мурожаат қилганларидея кўнглим фохр-ифтихорга тўлиб, яна яхшироқ ишлашга, болаларимизга янада яхшироқ билим беришга аҳд қилдим. Ҳамма ҳамкасбларим шундай деб ўйлаётганига имоним қомил.

КАСБИМ - ФАҲРИМ

Мактаб бўсағасига қадам қўйишим билан ўқувчиларим пешвоз чиқади. «Ассало-муалайк, устоз», «Салом муаллим... Юрагим ҳаприқлади. Олд ўқувчиларим олий маълумотли бўлишибди. Уларни кўрсам дилим айрайди... Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб халқ таълими соҳасига катта эътибор қаратилди. Таълим соҳаси ҳодимлари учун турар жойларни текин хусусийлаштириш, фойдаланилган электр энергиясига 50 фоиз кам ҳақ тўлаш, иш ҳақини ошириш, дарс соатларини камай-тириш каби қатор ижтимоий муҳофазат тадбирлари белгиланди.

ййгилиш ўтказдик. Унда келажак авлод тарбияси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. ...Байрам арафасида ҳамкасбларимни кутаганим. Мирзохон ака Мирқаримов, Маъмура Муминзонова, Маглуба Мирсоабова, Манжула Қосимова, Зафар Толибжонов, Аҳмаджон Эгамбердиев... Уларнинг жонқурилиги ва ўқувчиларга меҳрибонлиги, самимийлигини кўронаман. Барчаси ўз касбларининг фидойилари. Улар билан ишлаш, баҳслашиш завқли. Шу боис ўз касбим билан, ҳамкасбларим билан фахрланаман. Бизга саллафларимиз орзу қилган замонада ишлаш, яшаш бахти насиб этди. Мамлакатимизнинг барча маърифат фидойиларини, барча ўстозларимизни, умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар кунин билан табриклайман.

"КАМОПОТ-МЕГА" -- ЁШЛАР МАСПАҲАТГУЙИ

Ўзбекистон Ёшларининг "Камолот" жағмарсини Нукус шаҳар бўлими хузурида ташкил этилган "Камолот-Мега" маъсулиятига чекланган жамият Қорақалпоғистон пойтахти ёшларининг ҳақиқий ҳамқорига, маспаҳатгўйига айланиб бормоқда.

ёрдм бермоқда. -- Қисқа вақт мобайнида нукуслик ёшлар биз билан ҳамкор тутунишди, -- дейди "Камолот-Мега" раиси Александр Бондаренко. -- Мижозларимиз сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Қолаверса, бизнинг камтарона ишимиз "Камолот"нинг ёшлар ичига тобора кириб бораётганидан, уларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга уринаётганидан далолатдир!



Зарбдор туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси Гулбахор Шербоева 1-синф ўқувчилари давраида

ДУШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.30 «Шарқ тароналари». 7-курсатув.

8.55 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Давринг уил-мас ристалари».

9.05 «Ўзбек киноси ижодкорлари».

9.25 «Узлик». Бадий-публицистик курсатув.

9.50 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Муҳаббат ристаси». Бадий фильм. 1 — 2-сериялар (Хиндистон).

12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамоаларининг концерти.

13.10 «Ўзбекистон» намойиш этади: «Пахта».

13.20—14.00 Телевизион миниатюралар театри. «Ший-пандаги хангоналар».

17.55 Курсатувлар тартиби.

18.10 «Олтин мис». Мультфильм.

18.20 «Умид учқунлари».

18.45 «Олам ва одам».

19.05 Бўхоро—2500. «Афсонавий Бўхоро».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.55 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 Биржа ва банк хабарлари.

20.10 Оқшом эртақлари.

21.00 «Ахборот».

21.00 Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали йилгилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Эзиб олинган).

22.30 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Муҳаббат Усмон».

22.50 «Хўкуйи жамият сари».

23.05 II Марказий Осиё уйлари йиллик фестивали.

00.00 Олтин мерос. «Хунарманда». Тележурнал.

00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Курсатувлар дастури.

18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Ўзлонлар.

18.20 «Ерилоташ». Мультфильм.

18.35 «Спорт китаси».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Турizm ҳақида».

20.15 «Мусликий йўлка».

20.30 «Ахборот».

20.55 Оханглар ва Ўзлонлар.

21.10 «Киноингоҳ».

22.00 «Кундалик».

22.10 «Бешинчи ўлов».

22.25 «Спорт китаси».

23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

00.15 — 00.25 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

20.35 Ўзлонлар.

20.40 «Цирк артистининг кўни». Телевизион бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси.

21.45 — 22.05

22.05 «Афсонавий шаҳарда». Телефильм.

22.15 — 22.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Курсатувлар тартиби.

18.50 «Сен ҳақида ва сен учун».

19.05, 22.00 Ўзлонлар.

19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.10 «Мусликий фрагмент».

20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.

20.45 «Дорикона ашитида».

21.20 «Хонли тил».

22.05 «Моҳир».

22.35 «Мусликий фрагмент».

22.40 «Европа манзаралари».

23.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериял.

23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

RJT
6.30 «Хайрли тонг!».

17.20 «Оламга саёхат».

18.15 «Тигиз пайт».

19.05 «Инсон ва қонун».

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

21.45 Футбол. УЕФА кубоги. «Спартак» (Москва) — «Сьон» (Швейцария).

ЧОРШАНБА, 1

УқИТУВИЧЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КўНИ

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали йилгилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Эзиб олинган).

9.55 «Излаган имкон топади».

10.15 «Санаёт дўстлига чорлайди». Чарльз Ансбакер.

10.40 «Намандаги гулармиз».

11.00 «Гаройиб бола». Бадий фильм.

12.30 «Қишқоқ ҳақида уйлор».

12.50 «Муҳаббатта Ватандир юрак». Киноконцерт.

13.10 Уйғун. «Забунисо». Ҳамза номидаги Узеб Давлат академик драма театрининг спектакли.

14.40 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Той бола».

15.00 «Сайқал». Видеоканал.

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Нефтчи» (Фарғона). Танаффус пайтида — «Фичил ва мактуб». Мультфильм.

17.40 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Охангларда қалб ҳарорати».

17.55 Курсатувлар тартиби.

18.00 «Бодоб бола». «Сергайрат хампир». Мультфильмлар.

18.20 «Бондира туйғулар».

18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан битта дур».

18.45 Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилор-97» телефести-

9.10 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Фаровонлик манбаи».

9.40 «Олам ва одам».

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Аялод».

Уқу курсатувлари:

10.30 Инглиз тили.

11.00 «Қўшигим, жон қўшигим».

11.25 «Дунё адабиёти».

11.45—14.00 Ш. Бошбеков. «Темир хотин». Шакархон қизик Юсуфжон номидаги Фарғона вилоят театрининг спектакли.

17.55 Курсатувлар тартиби.

18.10 «Эл тинчилиги йўлида».

18.30 «Шарқ тароналари». 8-курсатув.

18.55 «Ажаб саодат арун...» Адабий курсатув.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.30 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Таянч нуқтаси».

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.00 «Мехр нури». Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланади.

21.30 «Вазият». Публицистик курсатув.

21.45 «Санаёт дўстлига чорлайди». Чарльз Ансбакер.

22.10 «Дўнган». Ҳўкуий-публицистик курсатув.

22.35 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Ҳазина».

22.55 «Манавайт боги». Бадий-публицистик курсатув.

23.15 «Чемпион сафардан қайтди». Н. Топилов.

23.35 «Ахборот».

24.00 «Урбоний тароналар».

00.15 — 00.20 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Курсатувлар дастури.

18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Ўзлонлар.

18.20 «Ерилоташ». Мультфильм.

18.35 «Палитра».

18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...».

19.10 «Олтин кент».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Табият дунёси».

20.30 «Ахборот».

21.00 «ХИФ».

21.20 Оханглар ва Ўзлонлар.

21.30 Киноингоҳ. «Инспектор «Морс»-9-серия».

23.15 Кундалик.

23.25 «Акс».

23.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».

24.00 — 00.10 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

20.35 Ўзлонлар.

20.40 «Цирк артистининг кўни». Телевизион бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси.

21.45 — 22.05

22.05 «Афсонавий шаҳарда». Телефильм.

22.15 — 22.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Курсатувлар тартиби.

18.50 «Сен ҳақида ва сен учун».

19.05, 22.00 Ўзлонлар.

19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

19.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.10 «Мусликий фрагмент».

20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.

20.45 «Дорикона ашитида».

21.20 «Хонли тил».

22.05 «Моҳир».

22.35 «Мусликий фрагмент».

22.40 «Европа манзаралари».

23.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериял.

23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

RJT
6.30 «Хайрли тонг!».

17.20 «Оламга саёхат».

18.15 «Тигиз пайт».

19.05 «Инсон ва қонун».

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

20.00 «Время».

21.45 Футбол. УЕФА кубоги. «Спартак» (Москва) — «Сьон» (Швейцария).

ЧОРШАНБА, 1

УқИТУВИЧЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КўНИ

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.

8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали йилгилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Эзиб олинган).

9.55 «Излаган имкон топади».

10.15 «Санаёт дўстлига чорлайди». Чарльз Ансбакер.

10.40 «Намандаги гулармиз».

11.00 «Гаройиб бола». Бадий фильм.

12.30 «Қишқоқ ҳақида уйлор».

12.50 «Муҳаббатта Ватандир юрак». Киноконцерт.

13.10 Уйғун. «Забунисо». Ҳамза номидаги Узеб Давлат академик драма театрининг спектакли.

14.40 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Той бола».

15.00 «Сайқал». Видеоканал.

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Нефтчи» (Фарғона). Танаффус пайтида — «Фичил ва мактуб». Мультфильм.

17.40 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Охангларда қалб ҳарорати».

17.55 Курсатувлар тартиби.

18.00 «Бодоб бола». «Сергайрат хампир». Мультфильмлар.

18.20 «Бондира туйғулар».

18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан битта дур».

18.45 Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилор-97» телефести-

вали

19.05 Хива-2500. «Тарихингдур бир жаҳон».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.45 Ўзлонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Хидоят сари». Маърифий курсатув.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.00 «Иқтисодий чорраҳаларида».

21.20 «Қўллов». Уқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган курсатув.

22.10 «Қўшигимиз сизга армуғон».

22.40 Футбол, учрашувлар, натижалар.

22.45 «Оталар сўзи — ақлнинг қўзи».

23.50 «Ахборот».

00.15 «Дора оҳангида». Фильм-концерт.

00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II
18.00 Курсатувлар дастури.

18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Ўзлонлар.

18.20 «Ерилоташ». Мультфильм.

18.35 «Мусликий шарҳ».

18.50 «Хўқуқ ва махбурият».

18.55 «Услуб».

19.05 «Усууийлаштириш: қадам-қадам».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Табият дунёси».

20.30 «Ахборот».

21.00 «Хонадонинида осойишталик бўлиш».

21.30 Оханглар ва Ўзлонлар.

21.40 «Киноингоҳ».

23.15 Кундалик.

23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

00.15 — 00.25 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.

20.35 Уқитувчилар кўнига. «Муслика хамма учун».

21.05 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.

21.35 «Бриллиант қўл». Бадий фильм.

Россия давлат телевидениеси.

23.15 — 23.35

23.35 Ўзлонлар.

23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус



Миллатот олами

Хали кўп бўлмади, жаҳондаги қатор мамлакатларда табиат келтирган офатлар-тошқинлар ҳақида ойнаи жаҳон орқали талай маълумотлардан огоҳ бўлишимиз...

Тўқ кул ранг булут бирдан кўкларнинг ёруғ кунини қоронғуликка бурқаб, уфқ тарафдан жадал сузиб кела бошлади...

ТАБИАТ ЖУМБОҚҚА ТҮЛА...

Вақти-вақти билан момақалдиқроқли булутларда пайдо бўлувчи бу даҳшатли, сирли шамолни қуюн (уорма) деб атайдилар...

Унинг тундаги кўриниши Утгача. Атмосфералаги электр кучига дуч келган уорма устунни ёришиб кўринади...

Бундай уормалар келтирган талофатлар ҳақида кўп тафсилотлар мавжуд. Айниқса, Америкада "Торнадо" деб номланган уормалар даҳшатли бўлади...

Машҳур француз олими К. Фламарионнинг ҳикоясига эътибор қилинг: -- Торнадо шундай гулдираб ёпирилиб келмоқда эдики...

Фермер Вошманнинг уйи, саройи ва отхоналарини вайрон қилиб, унинг уювларини, қишлоқ хўжалик машиналарини парча-парча қилди...



Ушба кўни уормалардан қочиб Кронларниқда яширинган бегона кишиларнинг бири ўлган, пичан уюмига яширинган бошқа одамни уорма осмонга учуриб кетган...

Хулласи калом, ушба кўни уорма фермер Кроннинг отхонасию, саройи борми ҳамма биноларни вайрон қилган...

Торнадонинг зарарлари ҳақида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. -- Дарс пайти эди. Тўсатдан қулоқни қоматта келтирадиган товуш янгради...

Манна шундай тўс-тўполонни кўтариш учун уорма қанчалар кучли бўлиши керак-а... Уорма ҳақидаги ҳикоямиз сизга маъқул бўлса, таҳририятимизга ёзиб юборинг.

Хорижий матбуот асосида МАСҲУДХОН ЗИЁХОН тайёрлади



Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида жойлашган маҳсулотларни қайта ишлаш заводи жамоаси бу йилги режаларни муддатидан олдин бажариб, қўшмача режа ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Жиноят жазосиз қолмайди

XX аср поёнига етмоқда. Шунга таъкидлаш жоизки, бу аср аҳолий кашфиётлар, гоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди.

Истиқлолни қўлга киритганимиздан сўнг замонавий ускуналар, электрон аппаратлар, шулар жумласидан "видео" каби автоматлашган техникалар юртимизда кўпайиб қолди.

ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

қидим, автобусда: -- Жой бўлми?-- дея сўрадим чамаси 50 ёшлардаги бир кишидан. -- Ҳа, бемалол, - дея илтифот билан жавоб қайтарди...

Рости, бир пайтлар "видео" нимадигини билмас, ҳатто уни тасаввур ҳам этолмасдик. Энди-чи? Давримизнинг имконияти билан бунга ҳам муяссар бўлади.

Жамишча ҚОДИРОВ, Тошкент Давлат Иқтисодий Университетининг талабаси

Шуниси қизик АСР ЁШЛАР ҲАЁТИДАН

Қариб-чирмаган, ёш бўлиб қирчиллаганам, 50 ёшли одамнинг ҳаётида не-не гаройиб ҳодисалар бўлиб ўтмайди дейсиз.

Инглиз деҳқони Томос Парр 152 йилу 9 ой яшаб, 9 инглиз қироли ҳукмронлигини кўрган: Улар Эдуард IV, Эдуард V, Эдуард VI, Ричард III, Генрих VII, қиролича Мария, қиролича Елизаветта, қирол Ияков Томос Парр 1635 йил Лондонда Карл I ҳукмронлиги даврида вафот этган.

Франциялик 1684 йилда туғилган ҳарбий Жан Терель ҳаёти ҳаммага қизик бўлса керак. У уч аср, яъни XVII, XVIII, XIX асрларда ҳарбий хизматда бўлган.

1897 йилда вафот этган 133 ёшли Роберт Гейлорнинг ўлимига қиролича сабаби бўлди.

Англия қироличаси Виктория мамлакатда чинор умри қария борлигини эшитиб, унга дастхат ёзиб ўз портретини совға қилди.

Гулнора ҲАКИМОВА тайёрлади

Олимжон БҮРИЕВ МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР (достондан лавҳалар)

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриев китобхоналарга "Аттоир", "Илтифот", "Замашарийнома" мажмуалари, "Фуррули миллат тимсоли", "Амир Темур" шеърӣ романи, "Мирзо Улуғбек достони", "Пири тарикат ва мири ҳақиқат" шеърӣ қиссалари билан яхши таниш.

Оллоҳ шу заҳоти этиб соҳибдил, Ушбу оятларни айлади нозил. "Эй туриб, ўраниб ўтиргувчи зот, Огоҳ қил" одамлар топмағай нажот, Ота-бобосидек сизгиса бутта, Бир кунни жасади кетса тобутта, Оллоҳи уларга беражак азоб, Уларни кўрқитиб, айлагил хитоб. "Раббингни удулга", то борсан тирик, Унга бўла олмас ҳеч кимса шерик. Кутсанг гар омонлик, бахту саодат, Ундан бошқасига қилма ибодат. "Пок тут либосингни" ибодат чоғи, Юрмасин мўъминнинг чиқиб шалтоғи. "Азобга тортувчи ишлардан ҳазар", Айлагил, Оллоҳнинг амрини бажар. "Кўн олиш фикрида бермағил совго". Охират бошинга қўшади ғавоғ. Кам бериб кўпини қилмағил умид, Бу ишни қилмағай ҳар мард, соҳибдил! "Раббинг учун бўлғил сабрли доим", Ўзи қўллағайдир шунда худойим. Расулдуллоҳнинг зимдан даъватга ўтишлари Муҳаммад саллаллоҳ алайҳи ҳазрат, Аста-секин динга етдилар даъват. На бирор одамга бирорта жойда, Буглар бера олмас зиён ё фойда. Уларга чўқинмай соатма-соат, Лозимдир Оллоҳга қилмоқ ибодат. "Биз ота-боболар йўлидан юриб, Бугларнинг қошида турсак бош уриб. Сизгисак аждодлар мазий динига", Деинди тақаббур зотлар чинига. Соқолдиган тортиб ҳатто бемурти, Димоғинга ёғиб эшакнинг курти. Гўзал худк-атвордан бўлиб мосуво, Дилин тош қотириб уларни худо. Қилмиши дағаллик, бир-бирин сўқиб, Тажовуз, урушу жанжал, қон тўқиб. Бир-бирини қилиб торожу талон, Доим дастларидан юрт эди аврон. Шу жоҳил авомга Расул Оллоҳ, Улуғ гоё билан бўдидлар ҳамроҳ. Меҳр-оқибатни, дўстлик ипини,

Мустаҳкам, зич боғлар ҳам Исломи дини. Йўқолиб хунрезлик ҳамда бебошлик, Бошларав осойиш, сулҳу қодошлик. У киши сўзига ҳар ақли расо, Ишониб, сизгиса бутта шу асно, Бўлишди биринчи диннинг фидоси, Оламдан келгунча рўзи қазоси. Бирок мартабали ҳар бир амалдор, Ўйлаб йўқолар деб, обрў-эътибор. Ҳар қалча қилмасин даъват Муҳаммад, Исломга киришни айладилар рад. Дувё мулки, шону шуҳратдан тўймай, Кибру ҳаволари бунга йўл қўймай, Муҳаммадга қарин тарқатдилар ган, Осмон баланд, замин тилсиз бетараф. Оллоҳдан бўлса гар битта ишора, Ердга жамики қисмати қора. Расул даъватига кирмасдан динга, Ем бўлиб кетарди балки заминга Ва ёки тошларин ёддириб осмон, Уларни эгарди ер билан яқсон. Инсонга Оллоҳим бермиш тафаккур, Ҳар кимнинг дилида не бўлса зуҳур, Ушанга ҳар доим қилади амал, Қўзини юмгунча дунёдан ажал. Исломинг динига бўлиб йўлобни, Расулнинг биринчи умр йўлдоши. Ҳадича ҳазрати Хувайлид қизи, Исломи оламида кутлудир изи. Ҳамла амаксисин фарзанди Али, Уларга раҳмату ҳазорон балли, Киришди имон-ла эзгу маромда, Улар қалдирғочдир дини Исрома. Юртда қаҳатчилик юз бериб шунда, Одамлар қийналиб ёруғ очунда. Ёйишга нон топиш машаққат эди, Серфарзанд зотларга бу даҳшат эди. Алнинг отаси Абутолибнинг Оллоҳнинг йўлида зўру голибнинг, Фарзанди кўн эди, қийналар эди, Одамлар азобда синалар эди. Расулдулоҳ бир кун маслаҳат солиб, Деди: "Эй амаки Абдумуталлиб, Оганг Абутолиб жўжабирдай жон.

МЧЖ "КАМОЛОТ-КОМПЮТЕР" куйидаги ўқув курсларига таклиф қилади:

- 1) Инглиз тили; 2) Инглиз тили ва компьютер саводхонлиги; 3) Бухгалтерия ва компьютер; 4) Программалаш тиллари; 2 ойлик: 1) Замонавий бухгалтерия ҳисоби; 2) Бизнес мактаби: Маркетинг ва макро экономика асослари; 3) Компьютер саводхонлиги: а) Windows-95 Plus; б) Microsoft Office-95; 1 ойлик: 1С бухгалтерия ҳамда компьютер сервис хизматлари. Ўқув муддати тугагандан сўнг диплом берилади. Вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқ билан таъминланади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй, 39-хона; телефон: 41-59-74.

АЗИЗ ЁШЛАР!

Республикамиз ўқув юртларига кириш имкониятига эга бўлишни хоҳлайсими? У ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ёшларининг "Камолот" жамғармаси ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИГА Марҳамат қилинг! Сиз тайёрлов бўлимида олти ой давомида барча фанлардан Олий ўқув юртларига кириш, тест синовларига жаҳон стандартлари бўйича тайёрларлик кўришингиз мумкин. Ҳужжатлар 10. 10. 1997 йилгача қабул қилинади. Адрес: Талабалар шаҳарчаси, Ёшлар муаммолари институти тел: 469173, 468933.

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

КҮЙ. Бу ҳафтада ўзингизга бўлган ишонч ва қатъият-диллик сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз бўлади. Мунаж-жимлар таваққулчилик асосидаги табирилар ва ивволардан нафисроқ бўлишни, шунингдек, ишончсиз бўлган жараёнлардан холи юришни тавсия этидилар. Вақти-вақти билан гойибона севаги ҳаёлингиздан нари кетмайди. Муҳаббатингиз йўлида ҳар қандай қийинчиликдан чўчимайсиз. БУЗОҚ. Ниҳоят ўз режаларингизни амалга оширишга имконият туғилади. Бунинг учун оилангизга қўлай вазият бўлиши керак. Сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари эҳтиёт бўлишингиз тавсия этилади. ЭТИЗАКЛАР. Бу ҳафтада алоҳида ўғаришлар рўй бермайди. Утаётган ой саломатлигингиз учун фойдали бўлади. ҚИСКИЧБАҚА. Кўнгилсиз ҳолатлардан қўтилиш учун ўзингизни кўп қийнаманг. Ҳатто иш жойингизда таҳсил қилган ҳолда белгиланган ре-

жаларни амалга ошира биласиз. Бу сизга қисқа вақтда катта фойда келтиради. Узини тута билмаслик ва асабий ҳолат ҳафта охирида яқинларингиз билан муносабатни чигаллаштириши мумкин. 001 ХАБАРИ Ҳафта мобайнида ҳарорат бир хил даражада бўлиши кутамиз. Кечалари 8-13, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг шимолий ҳудудларида совуқ тумшайди. Кўшиниёқ ёқимлар киниларини кайфиятига яхши таъсир этиб, янги ҳарорат сезилиб туради. АРСҲОН. Ой охиридан бошлаб оиладаги ўзаро муносабатлар кўнгилсизлик келтирса ҳам қийинчиликлардан қўрқмайсиз. Ҳар қандай вазиятда голиб чиқасиз. Молиявий ҳолат бир текисда бўлади. ПАРИЗОД. Бизнес оламида ҳамма молиявий ҳолатдаги жараён бир текисда кетади. Аммо сиз кутганчалик натижалар улкан бўлмайди. Утқончи алоқаларни сақлаб қолишга уринманг. Бир-

бирингизга бўлган муҳаббатингиз янада мустаҳкамланади. ТАРОЗУ. Яқин орада орзу қилинган кўнгилли воқеа ва ҳодисалар амалга ошади. Маълумотингиз ҳамда мартабанингизда ўзгариш бўлади. Бу ҳафтада са- ТУФ ЭЧКИСИ. Агар бу ҳафтада тўла қонли дам ола билмасангиз даржаманг. Қизинг фаолиятингизга нисбатан ўзинга яраша баҳо берилмаслиги мумкин. Яқинларингиз ҳамда севган кишиларингиз билан муносабатда муаммолар туғилса бу сизни руҳан туширмаслиги керак. СУВ ПАРИСИ. Камчиликларингиз охир-оқибатда кўнгилсизлик келтиришдан олдин уни ўз вақтида тан олган маъқул. Бу вақтдаги мураккаб жараёнда кимгадир суяниш лозим. БАЛИҚ. Ҳафта жараёнида унутимас муҳаббат саргушаштлари бўлади. Бу сизга гўзал ва келишан париваш билан сўбат қилиш насиб этади. Барча қийинчиликлар чечанади. Ўз ҳисси-бингизга нисбатан диққат билан эътибор бера биланг.

қилиш ўзини оқламаслиги мумкин. Бу жараён катта меҳнатлар талаб қилади. Ақлий ёки жисмоний меҳнат кўп бўлиши мумкин. ТОҒ ЭЧКИСИ. Агар бу ҳафтада тўла қонли дам ола билмасангиз даржаманг. Қизинг фаолиятингизга нисбатан ўзинга яраша баҳо берилмаслиги мумкин. Яқинларингиз ҳамда севган кишиларингиз билан муносабатда муаммолар туғилса бу сизни руҳан туширмаслиги керак. СУВ ПАРИСИ. Камчиликларингиз охир-оқибатда кўнгилсизлик келтиришдан олдин уни ўз вақтида тан олган маъқул. Бу вақтдаги мураккаб жараёнда кимгадир суяниш лозим. БАЛИҚ. Ҳафта жараёнида унутимас муҳаббат саргушаштлари бўлади. Бу сизга гўзал ва келишан париваш билан сўбат қилиш насиб этади. Барча қийинчиликлар чечанади. Ўз ҳисси-бингизга нисбатан диққат билан эътибор бера биланг.

Муассаси: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ Ҳомий: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ Навбатчи муҳаррир: Мухтасар ТОЖИМАТОВА

ТАҲРИРИЯТ: 136-56-58, 133-96-07; 136-54-64; 133-79-69; 136-54-64; 136-58-93; 136-58-48.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ